

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУТУНБАЕВА ТЎМАРИС АЪЗАМЖОНОВА

**ЗАМОНАВИЙ НАЗМИЙ ДИСКУРСДА ИНДИВИДУАЛЛИКНИ
ТАЪМИНЛОВЧИ ЛИСОНИЙ ВОСИТАЛАР
(Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеърляти мисолида)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

Бутунбаева Тумарис Аъзамжоновна

Замонавий назмий дискурсда индивидуалликни таъминловчи лисоний
воситалар (Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеърляти мисолида)..... 3

Butunbayeva Tumaris Azamjonovna

Linguistic providing individuality in modern poetic discourse (In the example of
poetries of A Uktam and M Mirzo) 23

Бутунбаева Тумарис Аъзамжоновна

Языковые средства, обеспечивающие индивидуальность в современном
поэтическом дискурсе (на примере поэзии А.Уктама, М.Мирзо)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУТУНБАЕВА ТЎМАРИС АЪЗАМЖОНОВА

**ЗАМОНАВИЙ НАЗМИЙ ДИСКУРСДА ИНДИВИДУАЛЛИКНИ
ТАЪМИНЛОВЧИ ЛИСОНИЙ ВОСИТАЛАР
(Аъзам Ўктам ва Минхожиддин Мирзо шеърляти мисолида)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil480 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.fdu.uz) ҳамда “Ziynet” ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Сайфуллаева Раъно Рауфовна филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Элтазаров Жўлибой Донабоевич филология фанлари доктори, профессор Йўлдошев Маъруфжон Муҳаммадиевич филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил “31” июль соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош бино, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (34-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил “13” июль куни тарқатилди.
(2021 йил “13” июль даги 25 рақамли реестр баённомаси).



М.Қ. Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Ҳ.А. Асланова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.(PhD)

А.Э. Маматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигининг янги илмий концепциялари асосида лингвопоэтик ва лингвопрагматик тадқиқ усулларининг бадиий матнни шакллантиришдаги аҳамиятини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада амалга оширилаётган тадқиқотлар антропоцентрик ёндашув замирида, хусусан, прагмалингвистика, лингвостилистика, лингвопоэтика ва когнитив тилшунослик сингари соҳаларнинг тадқиқот методлари асосида текширилмоқда. Шу жиҳатдан, тилнинг бадиий мукаммаллашувини таъминлаш, муайян сўз санъаткорларининг шеърий нутқи индивидуаллигини таъминловчи лингвопоэтик ва лингвопрагматик имкониятларнинг ўзига хослигини очиб бериш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда замонавий шеъриятнинг бадиий поэтик хусусиятлари, нутқий индивидуаллик, лингвопоэтик воситаларнинг ифодаси масалалари замонавий таҳлил методларига таянилган ҳолда олиб борилмоқда. XX аср шоирлари шеърияти хусусидаги илмий тадқиқотлар йўналиши, асосан, адабий таҳлилга тортилганлиги билан характерланади. Адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндашилганда шоирнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари, қаҳрамон ва руҳият, бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси каби масалалар юзага келади. Дунё тилшунослигида бадиий асар тилининг лисоний хусусиятларини ўрганишга эҳтиёж ортганлиги, бадиий матнга дискурсив ёндашув шакллана бошлаганлиги сабабли ўтган аср охирига келиб лингвопоэтик ва лингвопрагматик таҳлилга эътибор сезиларли даражада кучайганлиги мавзунини ёритиш заруратини юзага келтиради.

Мустақиллик даврида тилнинг ички имкониятларини эгаллаш орқали миллий маънавиятимизни юксалтиришдаги ролини кучайтириш масаласи долзарб вазифалардан бирига айланди. Ёш авлод вакиллари орасида хорижий тилларни ўрганишга бўлган талаб кучайиб бораётган бир шароитда она тилимизнинг миллий маънавий бойлик сифатидаги нуфузининг юксалиши учун курашишимиз шарт. Зеро, "...Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим..."¹ Бадиий тил материаллари, юксак даражадаги поэтик далиллар асосида бугунги ўзбек шеъриятида лисоний омилларнинг воқелашуви ва бадииятни таъминлашдаги ўрнини илмий-танқидий таҳлил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси / ЎЗА. – Тошкент, 2020, 29 декабрь.

қилиш ҳамда баҳолаш зарурати ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонлари ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшунослик тарихида бадий асарлар тилини ўрганиш орқали умумий тил қонуниятларининг хусусий воқеланиш омилларини белгилаш, бадииятни таъминловчи тил бирликларининг лингвопоэтик имкониятларини ўрганиш муаммоси дунё тилшунослигида кўпдан буён тадқиқотчиларни қизиқтириб келади. Ғарб тилшунослигида Т.Лессинг, С.Сапорта, Б.Ларин, Э.Косериу, Г.Винокур, Л.Шерба, В.Жирмунский, А.Потебня, М.Бахтин, М.Брандес, М.Кожина ва бошқа кўплаб олимларнинг тадқиқотларида лингвопоэтиканинг алоҳида фан сифатида ўрганилиши юзасидан қарашлар баён қилинган. Бадий асар тилида шакл ва мазмун бирлиги шарти асосида зидланувчи тил–нутқ дихотомиясида бадий тасвир воситаларининг шаклланишида лисоний асосларнинг ўрни масаласи юзасидан ҳам адабиётшунослик, ҳам тилшунослик тушунчалари яхлит майдонда бирлашади. В.Виноградов таъбирича, адабиётшунослар мазмун ва ғоядан услубга томон борсалар, тилшунослар бадий асарнинг сўз материални синчиклаб таҳлил қилиш орқали мазмунни англашга томон борадилар. XX асрнинг ўрталарида ўзбек тилшунослигида ҳам дастлаб мақолала², кейинроқ номзодлик³ ва докторлик⁴

² Шомақсудов А. Ўзбек адабий тилининг ривожланишида Ҳамза ижодининг аҳамияти // Шарқ юлдузи, 1954. – №3; Шобдурахмонов Ш. Ойбек романларининг тили ва стили // Шарқ юлдузи, 1955. – №10; Дониёров Х., Самадов Қ. Ҳ.Олимжоннинг тилдан фойдаланишдаги новаторлиги // Шарқ юлдузи, – Т., 1959. – №7. Алиев

диссертацияларида лингвопоэтик масалалар тадқиқи амалга оширилди. Шунингдек, насрий ва шеърий асарлар тилига хос бадиий таъминловчи тил бирликларининг поэтик ифода имкониятларини ўрганиш билан бирга лингвопоэтик таҳлилнинг илмий асосларини яратишга доир тадқиқотлар ҳам юзага келди.⁵ Хусусан, Й.Солижонов, Р.Нормуродов, М.Йўлдошев, А.Хасанов, Х.Кадирова, С.Боймирзаева, М.Қосимова, Ш.Тошхўжаева, Л.Жалолова ишларида замонавий насрнинг ўзига хос поэтик хусусиятларини ўрганиш мақсад қилиб олинган бўлса, Г.Муҳаммаджонова, Д.Шадиева, А.Шофқоров, С.Максумова, Н.Тўланова, С.Умирова шеърий асарлар поэтикаси юзасидан тадқиқот олиб бордилар.

Кейинги даврда эса янгича талқин – лингвопрагматик таҳлил йўналиши кириб келди ва жадаллик билан ривожлана бошлади. Чунки бадиий асарлар тили муайян бирор тил стилистикасининг ривожланиши, адабий тил тараққиёти учун етакчи манбалардан ҳисобланади. Адабиётшунослик ва тилшунослик соҳаларининг уйғунлиги борасидаги фикрлар асосида лингвопоэтик тадқиқотлар юзага келган бўлса, бадиий нутқнинг адресат томонидан қабул қилиниши масаласи лингвопоэтика билан лингвопрагматиканинг кесишуви жараёнини юзага келтирди. Матн тилшунослиги ҳамда мазмуний синтаксис муаммоларига оид қатор тадқиқотларнинг юзага келиши лингвистик прагматикага бўлган қизиқишнинг кучайишига олиб келди ва прагматик тадқиқотлар учун кенг йўл очиб берди. Ўзбек тилшунослигида эса Ш.Сафаров, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, М.Ҳақимов, Л.Раупова, Д.Лутфуллаева, С.Боймирзаева, А.Пардаев, С.Раҳимов ва бошқаларнинг бу борадаги илмий тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Матннинг, хусусан, бадиий матннинг когнитив-дискурсив хусусиятлари, коммуникатив-прагматик таҳлили масалаларини ўрганиш зарурати бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Ҳар бир бадиий асар

А.Ю. Абдулла Қодирий “Обид кетмон” қиссасининг баъзи тил хусусиятлари // Ўзбек тилшунослигининг актуал масалалари. – Т., 1985; Ўзбек адабий тили тарихидан материаллар. – Т., 1986.

³ Тўрабекова С. Ғафур Ғулом поэмаларининг тили ва стили ҳақида: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1961; Самадов Қ. Ойбек тил маҳоратининг баъзи масалалари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1967; Кучкартаев И. Фразеологическое новаторство Абдулла Каххара: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1965; Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. – Тошкент, 1975; Мамадов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969; Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Каримов С. Язык и стиль произведений Зулфия: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1983; Қозоқов Ш. Ҳамза драмаларидаги эмоционал баҳо билдирувчи лексиканинг семантик-стилистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1990; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати (“Кеча ва кундуз” романи мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2000. ва бошқалар.

⁴ Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Т., 1993; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80-йиллар): Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Т., 1994; Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2002.

⁵ Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси. – Самарқанд, 1982; Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 1993; Каримов С. Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд, 1994; Мирзаев И.К. Лингвопоэтика: юзага келиши, муаммо ва ечимлари // Лингвопоэтика, структур филология ва когнитив таълим муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд, 2006.

ижодкорнинг тингловчи (ўқувчи)га етказмоқчи бўлган ғоя ва фикрларини ташувчи бадиий матн тарзида яратилар экан, муаллиф ниятининг қай тарзда намоён бўлишини ўрганиш жараёнида лингвопоэтика ва лингвопрагматика ҳамкорликда иш юритиши янгидан-янги тадқиқотларга йўл очади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тили бирликларининг функционал-прагматик ва семантик-услубий таҳлили (синхрон ва диахрон аспект)” мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеъриятида умумий лингвопоэтик қонуниятларнинг хусусий воқеланиш омилларини белгилаш орқали тил бирликларининг шеърый нутқ индивидуаллигини таъминловчи лингвопоэтик ва лингвопрагматик табиати ҳамда имкониятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лингвопоэтик ва лингвопрагматик тадқиқот усуллари тадрижий тараққиёти муаммосининг ўзбек тилшунослиги ва услубшунослигида ўрганилиш ҳолатини илмий-танқидий таҳлил қилиш ва баҳолаш;

замонавий назмий дискурсда индивидуалликни таъминловчи тил бирликларининг лингвопоэтик ва лингвопрагматик имкониятларини ўрганиш;

Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеърятининг ўзига хос поэтик хусусиятларини таҳлил қилиш орқали шеърнинг бадииятини ва шоир истеъдодини белгиловчи лисоний асосларни ўрганиш;

ижодкорлар асарларининг лисоний-эстетик қимматини аниқлаш;

фонетик ва лексик сатҳдаги тил бирликларининг шеърый нутқ индивидуаллигини таъминловчи бадиий-эстетик воқеланиши омилларини белгилаш;

поэтик кўчимлар ва синтактик фигураларнинг лингвистик асосларини тадқиқ қилиш орқали уларнинг шеърый нутқ индивидуаллигини таъминловчи табиатини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзонинг шеърый асарлари олинган, айрим ўринларда қиёслаш мақсадида замонавий шоирлар ижодига ҳам мурожаат қилинган.

Тадқиқотнинг предметини Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо асарларида умумий лингвопоэтик ва лингвопрагматик қонуниятларнинг хусусий воқеланиш табиати ва имкониятларини белгилаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, семантик-стилистик, компонент, контекстуал, лингвопоэтик ҳамда лингвопрагматик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX аср охирида юзага келган ижтимоий воқелик таъсирида шаклланган ўзбек шеърияти вакиллари Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо бадиий

ижоди ўзаро қиёсланиб, лингвопоэтик, лингвопрагматик ва лингвостилистик хусусиятлари очиб берилган;

Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеърӣ нутқидаги турли хил лисоний воситалар – фонетик (аллитерация, ассонанс), лексик воситалар (парономазия, ибора, мақол, матал), бадий тасвир воситаларининг стилистик имкониятлари, шеърӣ нутқнинг ўзига хослигини таъминлашдаги ўрни аниқланган;

шоирлар шеърларининг лингвопоэтик хусусияти сифатида метафора, метонимия, киноя, ўхшатиш, сифатлаш, такрор, антитеза, оксиморон, палиндром, сўз ўйини каби бадий тасвир воситаларининг лисоний мавқеи аниқлаштирилиб, бадий эстетик, стилистик ва прагматик имкониятлари очиб берилган;

мақол, матал, ибораларнинг шеърӣ нутқ мазмундорлигини таъминлашдаги индивидуал маҳорати ва коммуникатив-прагматик мавқеи ҳамда уларнинг бадий матндаги ўзгаришли қўлланиши ушбу шоирлар ижоди мисолида далилланган;

Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеърларида сўзларнинг маъно оттенкалари, нутқ вазияти билан боғлиқ вариантлари каби лексик воситаларнинг бадий-прагматик (яширин) маъно ва лингвопоэтик моҳият касб этиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеърятининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш бўйича тўпланган материаллар, тадқиқот натижасида чиқарилган хулоса ва умумлашмалар ўзбек тилшунослиги, хусусан, лингвопоэтика, услубшунослик, ўзбек нутқи маданияти, лингвокультурология, психоллингвистика, социоллингвистика фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асослаб берилган;

Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо ижодига хос лингвопоэтик ва лингвопрагматик хусусиятларни аниқлаш орқали прагматингвистика, лингвопоэтика каби фанлар учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши ва бу фанлардан яратиладиган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;

бадииятни таъминловчи лисоний омилларнинг тил–нутқ дихотомиясидаги тадқиқи натижасида чиқарилган хулосалар ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, бадий нутққа оид назарий ва амалий курсларнинг ташкил этилишида манба бўлиши, олий таълим тизими талабаларида бадий асар тилини таҳлил қилиш малакасини шакллантиришда ёрдам бериши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Таҳлилга тортилган материаллар ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилиш имконини берганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, усуллар ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, методологик мукамаллиги, замонавий назмий дискурс индивидуаллигини таъминловчи омилларни изоҳлашда Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо асарларига

асосланганлиги, тавсифлаш, таснифлаш, контекстуал, прагматик таҳлил каби усуллар билан асослангани, қатор илмий мақола ва тезислар кўринишида баён этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ушбу иш ўзбек бадий матни лингвопоэтик таҳлили концепциясини яратишга, бадий матннинг лингвопоэтик ва лингвопрагматик таҳлиliga доир илмий-назарий қарашларни бойитиш; лингвопрагматика соҳасидаги изланишлар доирасини янада кенгайтириш, ўзбек тилшунослиги ва услубшунослигида ўрганилиш ҳолатини илмий-танқидий таҳлил қилиш ва баҳолаш, ушбу соҳаларда олиб борилаётган тадқиқот ишларининг моҳиятини чуқурроқ англаш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, юзага келган илмий-амалий материалдан тил ва адабиёт таълими жараёнида, ўзбек тилшунослигининг услубшунослик, нутқ маданияти, бадий матннинг лингвистик таҳлили ҳамда бошқа соҳаларига оид танланма курслар, “Матн тилшунослиги”, “Прагмалингвистика”, “Психоллингвистика” каби фанлардан илмий адабиётлар яратилишига, семинарлар ташкил қилиш ва лингвопоэтика, лингвостилистика, лингвопрагматика соҳаларига оид монографиялар, ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеърларининг лингвопоэтик ва лингвопрагматик хусусиятларини очиб бериш жараёнида маънавий-маърифий тизимни такомиллаштириш бўйича белгиланган тадбирлар асосида:

шоирлар шеърляти лингвопоэтик хусусиятларини аниқлашга оид хулосалар ФА-Ф1-80 рақамли “Глобаллашув муаммоларининг бадий талқини ва замондош образи” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 4 февралдаги №3/1255-335 сонли маълумотномаси). Лойиҳа доирасида тадқиқотнинг бадий нутқнинг моҳияти, бадий нутқ учун асос бўладиган матннинг ўзига хос қурилиши мавжудлигига доир фикр-мулоҳазалари билан мукамаллаштирилган;

дискурсларда индивидуалликни таъминловчи лисоний воситалар, уларнинг ўзбек шеърлятида ифодаланиши каталог ва қўлланмаларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишда, ПЗ-201709134- “Филология йўналиши бўйича инглиз тили ўрганишни баҳолаш сифатининг шакл ва тамойилларига замонавий ёндашув” мавзусидаги илмий лойиҳасида (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 30 январдаги № 89-03-552-сонли маълумотномаси) диссертацияда келтирилган турли магистратура талаблари учун ташкил этилган онлайн курсларда фойдаланилган. Ишдаги хулосаларга таянилган ҳолда кўплаб лексема ва атамаларнинг изоҳлари мустаҳкамланган;

замонавий шеърлятнинг бадий поэтик хусусиятлари, нутқий индивидуаллик, шеърлятда лингвопоэтик воситаларнинг ифодаси масалалари юзасидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Онажоним шеърлят” адабий тўғарагида маърузалар ўқилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг

(2020 йил 30 октябрдаги 01-03-19\883-сон маълумотномаси). Илмий натижалар Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеърятига оид қарашларнинг шаклланиши ва бойишига хизмат қилган;

Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеърятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги мулоҳазалардан “Бедорлик”, “Адабий жараён”, “Таълим ва тараққиёт”, “Ўзбек шеърятининг” каби кўрсатув ва радиоэшиттиришларда фойдаланилган (ЎзМТРК “Ўзбекистон” телерадиоканалининг 2020 йил 21 декабрдаги 04-25-1221-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий мақола чоп этилган, жумладан, Аъзам Ўктамнинг 3 та шеърининг тўплами нашр этилди. Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо ижодига доир мақолалар 3та хорижий журналларда, Ўзбекистон Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган Республика илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган Республика илмий нашрларида 6 та илмий мақола, 2 та республика, 2 та халқаро конференцияларида, 3 та тўпламда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 139 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Ишнинг **“Лирик дискурда семантик-стилистик воситаларнинг бадиий-эстетик воқеланиш омилларини белгилаш”** деб номланган биринчи боби икки бўлимдан иборат. Бобнинг биринчи бўлимида бадииятни таъминловчи тил бирликларининг лингвопрагматик имкониятларини ўрганиш муаммоси тадқиқ қилинган. Семантик тадқиқотларга нисбатан қизиқишнинг кучайиши лингвопрагматиканинг шаклланишига йўл очиб берди. Прагматика юнонча *pragmos* сўзидан олинган бўлиб, “иш”, “ҳаракат” маъноларини ифода этади. “...унинг тадқиқот доирасига мулоқот жараёнида

лисоний бирликларни танлаб олиш, уларни қўллаш ҳамда ушбу қўллашдаги бирликларнинг мулоқот иштирокчиларига таъсири ўрганилади.”⁶ Прагматика термини XX асрнинг 30-йилларида Ч.И.Моррис томонидан фанга олиб кирилди ва тилшуносликнинг тадқиқот объекти сифатида Ч.Пирс, У.Джеймс, Р.Карнап, Витгенштейн, Г.Клаус ва бошқалар томонидан кенг ва атрофлича ўрганилди ҳамда ривожлантирилди.

Ўзбек тилшунослигида Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, М.Ҳақимовлар бу йўлдаги дастлабки тадқиқотларга қўл урган бўлсалар⁷, кейинги йилларда Ш.Сафаров, Д.Лутфуллаева, С.Баймирзаева, А.Пардаев, С.Раҳимов каби олимларимиз томонидан прагматик таҳлилнинг илмий-назарий асосларини очиб берувчи қатор илмий изланишлар, монографик тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Ўзбек тилшунослигида матн тадқиқи юзасидан салмоқли ютуқлар қўлга киритилган бўлса-да, матннинг когнитив-дискурсив хусусиятлари, коммуникатив-прагматик таҳлили масалаларини ўрганиш зарурияти бугунги кунда ҳам долзарблик касб этмоқда. Прагматиканинг назарий масалалари монографик тарзда кенг ва атрофлича тадқиқ қилиниши натижаси ўлароқ матннинг, хусусан, бадиий матннинг прагматик имкониятлари масаласига эътибор қаратиш эҳтиёжи кучайиб бормоқда.

“Коммуникатив ниятни ифодалаш стратегияси лингвистик прагматиканинг бош масаласи ҳисобланади. Сўзловчи бунда ўз ички мақсадини баён қилиш учун у ёки бу ифода усулини танлайди. Танлаш жараёни бевосита тилшуносликнинг стилистика йўналиши объектидир. Лингвистик прагматика айнан мана шу нуқтада услубшунослик билан ҳамкорлик қилади.”⁸ Шундай экан, замонавий ўзбек адабиёти, хусусан, шеърятимизда юз бераётган шаклий-мазмуний ўзгаришлар, лисоний-услубий жиҳатлар, унинг бадиияти, эмоционал-экспрессивлиги, эстетик таъсир кучини таъминловчи омиллар ва воситаларни аниқлашда янгича ёндашув – прагматик таҳлил асосида тадқиқ қилиш лингвопрагматик масалаларни ёритишда кенг қамровли имкониятни юзага чиқариши шубҳасиздир.

Прагматика тил белгиларининг нутқдаги вазифасини тадқиқ этувчи тилшуносликнинг алоҳида кўриниши экан, бадиий матн таҳлиliga прагматик ёндашув ижодкорнинг бадиий нияти мавжуд ижтимоий ва руҳий-психологик қонуниятлар билан мос равишда юзага чиқиши ҳамда шу аснода тил тизими ривожланишини тасдиқловчи далиллар топиш имконини беради⁹. Инсоннинг ички субъектив руҳиятини ифода этувчи дискурс назарияси ҳам прагматиканинг ўрганиш объекти ҳисобланади.¹⁰ Бадиий матннинг прагматик хусусиятлари таҳлил қилинганда дискурсив фаолият назарда

⁶Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент:ЎзМЭ, 2008. – 285 б.

⁷Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. – №6. – Б. 28–31.; Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (Синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 232 б.; Нурмонов А., Ҳақимов М. Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2001. – №4. – Б. 54–57.; Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 49 б.

⁸Ҳақимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. –176 б.

⁹ Бу ҳақда қаранг: Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Монография. – Тошкент, ЎзМЭ, 2008. – Б. 37.

¹⁰Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент, 1995. – Б. 10-11.

тутилади. Бадиий матн, хусусан, шеърий асарларда нутқий акт мазмунининг таркиб топиши, унинг воқеланиши бевосита сўзловчи (адресант) ва тингловчи (адресат)нинг мулоқот истаги билан боғлиқ жиҳатларини ўрганиш тилшунослик учун бой манба бўла олади.

Биринчи бобнинг **“Лирик дискурда адресант ва адресат мутаносиблиги”** деб номланган иккинчи бўлимида шоир ўз шеърида лирик қаҳрамонининг ҳис-туйғулари, ички кечинмалари, ўй-фикрлари, рухий-ижтимоий қарашлари, ижодкор “мен”ининг ўқувчига етказмоқчи бўлган бадиий информацияси ва бу информациянинг тингловчи ҳис-туйғуларига таъсир этувчи коммуникатив акт сифатидаги амалий натижаси масаласи таҳлил қилинган.

Ифода семантик тузилиши хусусида сўз борар экан, машҳур тилшунос олим Хоанг Фе қарашларига тўхталиб ўтиш муҳимдир. Хоанг Фе ифода семантик тузилишидаги йиғиқ вербал шакл мазмуни билан пресуппозицион мазмуннинг ўзаро фарқланишини алоҳида кўрсатиб ўтади. Шунингдек, тингловчи аниқ коммуникатив вазиятда сўзловчи томонидан берилган ифода мазмунини қабул қилар экан, йиғиқ вербал шакл мазмунида сўзловчи нимани назарда тутганлигини англайди. Бунинг учун тингловчи сўзловчи нутқига хос “А” ифодасидан “В” семантик хулосасини топиб олиши шарт деб ҳисоблайди¹¹.

Адресант (ижодкор) бадиий матнни адресат (ўқувчи) учун яратади. Адресат бўлмаса ёки идрок қилмаса, умуман, матннинг кераги йўқ. Бу эса матннинг “тириклиги” интерпретатор билан эканини билдиради”.¹² Демак, “матннинг мавжудлиги эмас, унинг инсон томонидан идрок этилиши ҳал қилувчи омилга айланмоқда.”¹³

*Она, кўндан сизни йўқлаб бормадим,
Қабрингиз бегаган, ҳойнаҳой, гуллар?!*

*Ўша чечакларга келар ҳавасим,
Мендан оқибатли ўғилдек улар... (М.Мирзо)*

Қабристондаги чечакларнинг “мендан оқибатли ўғилдек улар” жумласи орқали таърифланишида “мен шу чечакларчалик оқибатли ўғил бўлолмадим” маъносидаги армонли ифодани уқиш китобхонда эстетик ҳиссиёт уйғотади.

*Пиёда юриб, кўрдим,
жуда қизиқ ишларни.*

Саксон йилки

бир ҳол бўлади такрор –

Тинмай нуқул отни мақтанар,

ҳамма эшак миниб юрганлар!... (А.Ўктам, “Бобомнинг айтгани”)

Ушбу шеърий матнда юқорида келтирилган Хоанг Фе таърифича, сўзловчи нутқига хос “А” маъно ифодаланса, тингловчи ушбу матн

¹¹ Хоанг Ф. Семантика высказывания. В кн: Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. – М., 1985. – С. 399-400.

¹² Саидхонов М. Бадиий матн коммуникатив восита сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. - №5. – Б. 78.

¹³ Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. – Т.: ЎзМЭ, 2008. – 430 б.

ифодасидан “В” семантик хулосани топиб олади: “Саксон ёшли умрим давомида одамларнинг ношукур бўлиб кетишиганига кўп марта гувоҳ бўлдим, ўзларига берилган неъматнинг бориға шукур қилмай, нуқул ўзида йўқ, ўзиникидан аълороқ ҳолатларни мақтаб, ўшанга интилиб яшайдилар”. Бундай тағмаъноли жумлаларни Аъзам Ўктам ижодида кўплаб кузатиш мумкин.

Шу тариқа адресатнинг адабий диди, сўзни англашга нисбатан сезгирлиги ва ҳиссиётлари, сўз маъноларидаги нозик қирраларни тўла илғаши асносида ижодкорнинг айтмоқчи бўлган фикри “қабул қилинади”.

Бу ҳовлида товук, хўроз бор,

Ит бор, мушук бор:

Билар, қилар бари ўз ишин.

Ўзларига энди бекалик –

Хуллас,

қичқирмасинлар,

бобилламасинлар,

сайрамасинлар... (А.Ўктам, Келинсалом)

Аъзам Ўктамнинг бу шеърисидаги яширин маъно фикр таъсирчанлигига эришиш мақсадида метафорик усул билан шакллантирилган. Шоир шеърнинг биринчи қисмида товук, хўроз, ит, мушукларни эслатиб ўтар экан, бундан мақсад янги келин бу хонадонда салбий хислатлар – итдек бобиллаш, хўроздек қичқириш, товукдек қақағлаб сайрашни одат қилмасин, бу ҳаракатларни содир этадиган ўз эгалари бор қабилидаги юмористик кинояни яширин ўхшатиш орқали ифодалайди. Бу ифодани англаш эса адресатнинг лингвомаданий тушунчалари, онгости сезимлари орқали юзага келади.

Ишнинг “**Турли сатҳлардаги тил бирликларининг шеърый нутқ индивидуаллигини таъминловчи лингвопоэтик табиати**” деб номланган иккинчи боби икки бўлимдан иборат. Шоир ёки ёзувчининг тил имкониятларидан қай тарзда фойдаланишини ўрганиш орқали муайян ижодкорнинг ижодий тафаккури ўзига хос жиҳатларининг юзага чиқиш жараёнини кузатиш мумкин. Шу тариқа бадиий асарни идрок қилиш тил қурилишини англаш орқали амалга оширилади.

Иккинчи бобнинг “*Фонетик воситалар*” деб номланган биринчи бўлимида нутқ товушларининг бадиий-эстетик вазифаси, шеърый нутқ ифодалилиги ва таъсирчанлигини таъминловчи етакчи воситалардан бири сифатидаги имкониятлари таҳлил қилинган. Насрда унлиларни чўзиш, ундошларни қаватлаш, товушларни такрорлаш, сўзларни нотўғри талаффуз қилиш, товуш орттириш ёки товуш тушириш каби фонетик усуллар ёрдамида экспрессивлик таъминланади.¹⁴ Шеърятда эса, асосан, аллитерация (ундошлар такрори), ассонанс (унлилар такрори), геминация (ундошларни қаватлаш) каби фонетик усуллардан фойдаланилади. Диссертацияда такрорнинг кўринишлари сифатида таснифланадиган аллитерация ва

¹⁴ Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Т.: Фан, 2007. – Б. 52.

ассонанс бадий тасвир воситаларининг фонетик ҳодисага асосланганлиги эътиборга олиниб, фонопрагматик воситалар сирасида таҳлил қилинган.

Аллитерация – шеърда, жумлада, бандда ва қисман насрий асарлар матнида ҳам бир хил ундош товушларнинг такрорланиши.¹⁵ Бу ўринда С.Умированинг фикрини асосли деб ҳисоблаймиз: “Илмий манбаларда бу саволга жавоблар анчагина ва улар кўпчилик ҳолатларда бири иккинчисини такрорлайди ёки тўлдиради ҳамда “матндаги ундош товушлар такрори” тушунчаси остида бир махражга бирлашади”¹⁶. Шунингдек, “аллитерацияга оид илмий манбалар унинг фақат бир хил товушлар такрори доирасида чегараланмаслигини кўрсатади. Бинобарин, мазкур ҳодисани бир-бирига мос келадиган *д-т*, *з-с* каби ўхшаш товушларнинг уйғунлиги деб ҳам тушуниш лозим...”¹⁷

*Сени суйсалар ҳам, суймасалар ҳам,
сени деб куйсалар, куймасалар ҳам;
Дилингни билсалар, билмасалар-да,
тилингни билсалар, билмасалар-да –
Имкон бера билдинг яйраб юришга,
ва бунда беармон даврон суришга.* (А.Ўктам)

Ассонанс шеърий нутқда (насрода нисбатан кам) бир хил унлилар такрорига асосланган ифодавийликни кучайтирувчи восита, такрорнинг фонетик сатҳдаги хусусий кўриниши; шеърда хушоҳанглик бахш этади, мусиқийликни кучайтиради.¹⁸ Ассонанс бир хил ёки ўхшаш унлиларнинг такрорланиши натижасида оҳангдошликни юзага келтирувчи стилистик фигуралардан бири бўлиб, бадий нутққа оҳангдорлик ва эмоционал-экспрессивлик бағишлайдиган фонетик усул сифатида шеъриятда кенг қўлланади.

*Кум тўлдирган бўлса кўзини,
Кўмагинга зор бўлса булоқ,
Мадад қўлин чўзиб ёрдам бер,
Яхшилик қил унга сен шу чоқ.* (М.Мирзо)

Профессор С.Каримов оҳангдорлик ва изчиллик товушларнинг яхлит уйғунлигида юзага келишини таъкидлайди.¹⁹ Ҳақиқатан ҳам, кўп ўринларда аллитерация ва ассонанснинг қоришиқ ҳолда келишини кузатиш мумкин.

*Куз. Кўройдин. Жим ўтирибман
ўти ўчган ўчоқ бошида.
Ўтиргандек бўлурман гўё
сокин юрагимнинг қошида.* (А.Ўктам)

Ҳар икки шеърий парчада ҳам “ў” товуши фоностилистик марказни ташкил этса-да, Минҳожиддин Мирзо шеърида **к**, **қ**, **б** ундош товушлари такрори сокин оҳангдорликни юзага келтиришга ёрдам берган бўлса, Аъзам

¹⁵ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент, 2002. – Б. 455.

¹⁶ Умирова С. Ўзбек шеъриятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърияти мисолида): Филол. фан. фалс. д-ри. (PhD) ... дисс. – Самарқанд, 2019. – Б. 49.

¹⁷ Умирова С. Кўрсатилган асар. – Б. 52.

¹⁸ Куронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т.: Академнашр, 2010. – Б. 39.

¹⁹ Каримов С. Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси. – Самарқанд, 2016. – Б. 81.

Ўктам шеърида “ў” товуши билан бирга **к, т, ч** ундошлари уйғунлиги мусиқийликни таъминлаш баробарида лирик қаҳрамоннинг тушкун кайфиятини ифодалашда муҳим эстетик ҳамоҳангликни вужудга келтиради.

Иккинчи бобнинг “*Лексик воситалар*” деб номланган иккинчи бўлимида пароним, ибора, мақол ва маталларнинг стилистик ва прагматик имкониятлари тадқиқ қилинган. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ўзбек тилшунослигида паронимия ва парономазия ҳодисалари монографик тарзда тўлиқ ўрганилмаган. Фақат лексикология ва услубшунослик йўналишидаги дарслик ва қўлланмалардагина айрим жиҳатларига тўхталиб ўтилган. Адабиёт назариясига оид ишларда ҳам сўзнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари: синоним, омоним, антонимлар махсус лексик воситалар сифатида тадқиқ этилгани ҳолда паронимлар эътибордан четда қолдирилган.²⁰ Паронимларнинг сўз ўйини сифатида акс этиши тилшуносликда *парономазия* термини билан аталади, яъни “парономазиянинг материал манбаи паронимиядадир.”²¹ Паронимларни қарама-қарши қўйиш орқали ёрқин услубий бўёқдорликка эришилади. Хусусан, кўплаб халқ мақол ва маталлари ана шундай асосда шакллантирилган. Аския жанрида сўзларнинг шаклий ва ифодавий ўхшашлигидан фойдаланиб, сўз ўйини қилишлари аскиянинг комик ҳамда прагматик табиатини намоён этса,²² Аъзам Ўктам шеърида бу усул орқали кучли публицистик ахборот юзага чиқарилади:

*Рост кўринди оздек –
Кўшиб гапирди, ёзди.
Кўпиртирди: Зиёли
“Зиёли”га айланди.*

Бу мисралардаги *зиёли* – *зиёли* жуфтлиги орқали парономазия ҳодисаси юзага чиқар экан, бу сўзлар айнан пароним сифатида қўлланмаса ҳам, шоирнинг индивидуал ёндашуви асосида ҳосил қилинган. Тилшунос М.Миртожиев таъкидлаганидек, ҳар қандай парономазияни пароним юзага чиқариши керак деб бўлмайди. [қаранг: Ўзбек тили лексикологияси] Юқоридаги мисраларда кўшиб ёзишлар, юзаки мақтовлар авж олган XX аср воқелигидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга ишора орқали сатирик эффект яратилган. *Зиёлининг зиёлига айланиши* ўқувчида ёлғонлар асосига қурилган жамиятнинг меваси сифатидаги шахслар вакили ҳақида ёрқин тасаввур уйғотади.

Бадий асарда, айниқса, шеърий мисраларда ибора, мақол, матал ва афоризмлардан ўринли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, адиб ёки шоирнинг фикрини лўнда ва ихчам ифодалаш, воқеа ва ҳодисаларни қуйма тасвирлашга имкон беради, қиёслаш ва образлиликни юзага чиқаради. Иборалар, мақол-маталлар ва ҳикматли сўзлар барқарор бирикмалар

²⁰ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўқитувчи, 2002; Умуров Ҳ. Адабиёт қоидалари. – Т.: Ўқитувчи, 2003.

²¹ Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 56.

²² Дўсматов Ҳ. Аския матни лингвостилистикаси. – Тошкент: Фан, 2015. – Б. 131.

ҳисобланади.²³ Диссертацияда ижодкорлар томонидан нутқ таъсирчанлигини ошириш мақсадида тилда мавжуд бўлган ибораларнинг янги-янги маъно қирраларини ҳам кашф эта бориб, оригиналликка эришгани таҳлил қилинган. Барқарор бирикмалар, хусусан, мақол ҳамда маталларни таснифлаш ва тавсифлашда турлича фикрлар мавжуд бўлиб, ушбу бобда уларга муносабат билдирилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Бадиий тасвир воситаларини шакллантирувчи лисоний асосларнинг лингвопоэтик ва прагматик имкониятлари**” деб номланган. Бобда замонавий ўзбек шеъриятининг забардаст вакиллари Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеъриятидаги айрим бадиий тасвир воситаларининг лисоний хусусиятларини таҳлил қилиш орқали бу ижодкорларнинг тил имкониятларидан қай тарзда фойдаланиш маҳоратини ўрганиш ҳамда муайян тил бирликларининг нутқ индивидуаллигини таъминлашдаги аҳамиятини белгилаш мақсади кўзланган.

Бобнинг “*Кўчим(троп)ларнинг шеърий нутқ индивидуаллигини таъминлашдаги ўрни*” номли биринчи бўлимида замонавий назмий дискурсдаги поэтик кўчимларнинг лисоний табиати, хусусан, метафора, метонимия, киноянинг бадиий-эстетик ва семантик моҳияти, уларнинг грамматик ва стилистик хусусиятлари тадқиқ қилинган.

Метафоралар мазмуний жиҳатдан 3 гуруҳга ажратилади: 1) одатий метафоралар; 2) жонлантириш; 3) синестетик метафоралар.²⁴ Метафораларнинг бу кўринишларини Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо ижоди мисолида ҳам кузатиш мумкин:

*Одатий метафора: Қалб бор манов ерда, унда бор тугун,
Сўзим хоҳ тушунма ва ё хоҳ тушун,
Сенга рост сўзлагим келяпти бугун,
Фаришта эмасдир даданг ҳам, Тумор. (А.Ўктам)*

Семантик маъно доирасида “тугун” сўзида қуйидаги маъно қирраларини ажратиш мумкин: 1) *тугилган*, 2) *ечиш мумкин*, 3) *керак-нокерак нарсалар йигиндиси*, 4) *ташлаб юборилса ҳам бўлади*. Лирик қахрамон “қалбдаги тугун” тушунчаси орқали тўртинчи сема ортига яширинган “малолли”, “ташлаб юборилса ҳам бўладиган” оғриқли ўтмиш хотиралари қийнаётганига ишора қилади, айбдорлик ҳисси ҳақида “бонг уради”. “Фаришта эмасдир даданг ҳам” жумласи буни янада яққолроқ англашга ёрдам беради.

Жонли метафорада “Инсонга ва жонли мавжудотга хос белгилар табиат ҳодисаларига, нарсаларга ва тушунчаларга кўчирилади.”²⁵

*Қайгадир шошилар, анҳор тўла сув,
Мажнунтол соч ювар ором не билмай.
Булбулни туш кўрар қизил гул – сулув,
Райҳонлар шеър ўқир бедор, ухламай. ... (М.Мирзо)*

“Шамолнинг мизгиши”, “сувнинг қайгадир шошиши”, “мажнунтолнинг соч ювиши”, “гулнинг булбулни туш кўриши”, “райҳоннинг шеър ўқиши”...

²³ Ўлдошев М. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. – Т., 2007. – Б. 77.

²⁴ Ўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 73.

²⁵ Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 107.

каби кабарик жонли метафораларни юзага келтириш орқали ҳолатни тасвирлашда эмоционал бўёқдорликни оширишга эришилган.

Минҳожиддин Мирзо сатрларидаги жонли метафоралар лирик кайфият уйғотса, Аъзам Ўктам қаламига мансуб табиат тасвирлари кучли ижтимоий – рухий муносабатларни ифодалайди.

Тегирмон шодланиб айтар ашула –

Тўлишган бугдойга қучоғи тўлар.

Уни ўйлай-ўйлай жонидан тўйган

Бугдойлар қовоғин очмасдан келар. ... (А.Ўктам. “Пишиқчилик”)

